

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

162 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида» 2013 йил 22 октябрдаги ПҚ–2053-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 апрель,
ПФ–4608-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2014 йил 4 апрелдаги
ПФ–4608-сонли Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ–3678 Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тўғрисидаги низомнинг 18-банди ўн иккинчи хатбошидаги «радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси» сўзлари «радиочастоталар бўйича Республика кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 октябрдаги ПҚ–2058-сонли қарори билан тасдиқланган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ташкилий тузилмасидан «радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси» блоки чиқариб ташлансин.